



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: xalksuzi@uzpak.uz

2003 йил 19 июль, №149 (3261)

Шанба

2003 йилнинг биринчи ярмида мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда ижтимоий соҳани ривожлантириш якунлари ва бу соҳаларда энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси



Хурматли мажлис қатнашчилари!

Бугунги йўналишимиз кун тартибига қўйилган асосий масала — бу 2003 йилнинг биринчи ярми якунларининг муҳокамаси.

Сизларга яхши маълумки, биз шу йил бошида мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, 2003 йил ва кейинги йилларда иқтисодиётимизни янада эркинлаштириш ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган устувор йўналишларнинг аниқ дастурини белгилаб олган эдик.

Бугун ана шу дастур талабларидан келиб чиққан ҳолда, жорий йилда ўз олдимизга қўйган мақсад ва вазифаларга эришиш йўлида қандай ҳаракат қилаётганимизни танқидий ва принципал нуқтан назардан баҳолаш кўзда тутилмоқда.

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, ўтган вақт мобайнида ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча соҳаларида изчил ривожланиш ҳаракатлари давом этди.

Мамлакатимизда макро-иқтисодий ва молиявий барқарорликни мустақамлаш, тўлов интизомини яхшилаш, иқтисодиётимизда мутаносибликни кучайтириш йўлида ижобий натижаларга эришилди.

Биринчи ярим йилликда ялпи ички маҳсулот ҳажми 3,8 фоизга ўсди. Иқтисодиётнинг деярли барча соҳа ва тармоқлари жадал ва изчил ривожланди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми — 5,5 фоизга, истеъмол моллари — 4 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари — 3,8 фоизга, инвестициялар ҳажми эса 2,6 фоизга кўпайди. Аҳоли бандлиги ўсиш суръатларининг барқарорлиги сақлаб қолинди — бу кўрсаткич 102,8 фоизни ташкил этди.

Буларнинг барчаси ва биринчи навбатда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида, ялпи ички маҳсулотнинг аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 2,6 фоиз, реал даромадларни эса 8 фоизга кўпайтириш имкони пайдо бўлди.

Биз йил бошида мамлакатимизда бюджет соҳасида изчил ва қатъий кредит-молия сиёсатини ўтказиш, шу тартибда қўлдан келиши орқали бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг жорий йил учун тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш, шунингдек, бюджет камомандини қоплашга қаратилган

инфляциян манбаларга барҳам беришга қарор қилган эдик.

Натижада биринчи ярим йилликда давлат бюджетининг бажарилиши таъминланди ва ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,5 фоиз профицит билан якунланди. Корхоналарнинг солиқ юкни энгиллаштириш ва солиқ тизимини унификация қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ҳам биринчи ярим йиллик якунларига ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Маълумки, 2003 йилдан бошлаб фойдалан олинадиган солиқ ставкаси 24 фоиздан 20 фоизга, юридик шахслар учун иш ҳақи фондидан ижтимоий сугурта ажратмалари 37,3 фоиздан 35 фоизга пасайтирилди. Шунингдек, айрим солиқ турлари умуман бекор қилинди.

Бу чора-тадбирлар маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий аҳволини яхшилашга, корхоналарнинг инвестиция соҳасидаги фаоллигини оширишга хизмат қилди. Биринчи ярим йиллик мобайнида корхоналарнинг ўз инвестициялари ҳажми 18 фоизга ортди ва у иқтисодиётга йўналтирилган барча инвестицияларнинг 46 фоизини ташкил этди.

Банк тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда тижорат банклари фаолиятида ҳам ижобий тенденцияда ҳамда кўзга ташланмоқда. Олтин-валюта захираларимиз сезиларли даражада ўсди.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тижорат банкларининг жами маблағлари 32 фоизга ортди, кредитларнинг қайтарилиш даражаси яхшиланди. Бу эса, ўз навбатида, ўтган ярим йилликнинг ўзида берилган кредитлар ҳажминини 36 фоиз оширишга имкон туғдириди.

Аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи ҳам ортиб бормоқда.

Бунинг одамларимизнинг депозит ҳисоб-рақамларига қўйган омонатлари 44 фоизга ортгани ҳам кўрсатиб турибди. Банк хизматлари тармоғи сезиларли даражада кенгайди, хусусий ва минибанклар сони кескин равишда ортди. Мана шу ҳисобот даврининг ўзида хусусий банклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан қарийб икки баравар кўпайди.

Агар 2000 йилда мамлакатимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 15 та минибанк фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 530 тайдан ошиб кетди. Кичик ва ўрта

корхоналар, фермер хўжалиқларининг банк тизими хизматларидан фойдаланиш имкониятлари анча кенгайди.

Қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий интизомини мустақамлаш бўйича қўрилган чоралар, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган рақобатта бардошли маҳсулотлар билан тўлдирish борасида амалга оширилган аниқ тадбирлар инфляция суръатларини пасайтиришда ижобий роль ўйнамоқда.

Агар 2002 йилнинг биринчи ярмида инфляция суръатлари 14,4 фоизни ташкил этган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткич 4,2 фоиздан иборат бўлди. Бу эса, табиийки, миллий валюта — сўмимизни ҳар томонлама бақувват қилишда ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда.

Биринчи ярим йилликда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, банклараро валюта бозорини кенгайтириш ва мустақамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш бўйича муҳим натижаларга эришилди.

Валюта сиёсатини эркинлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирлар натижасида амалда миллий валютамизнинг алмашиш курслари унификация қилинди, биржадан ташқари ва бошқа валюта бозорларида шакллانган курслар ўртасидаги фарқ деярли барҳам топди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда турган асосий вазифа, сўмининг жорий операциялар бўйича конвертациясига эришганимиздан сўнг, унинг алмашув курсини барқарор равишда сақлаб туриш учун барча шарт-шароитларни яратилган иборат.

Бу иқтисодий сиёсатимизнинг энг муҳим йўналишларидан бири бўлмоғи керак. Бунинг учун эса бизда барча зарур омиллар — маблағ ҳам, имкониятлар ҳам мавжуд.

Июнь ойида Халқаро валюта жамағатининг вакиллари Тошкентда бўлиб, мамлакатимизда валюта режимини эркинлаштириш бўйича қўрилган чора-тадбирларимизга юқори баҳо берди.

Маъмур жамағат билан ҳамкорликда жорий халқаро операциялар бўйича миллий валютамизга конвертациясини таъминлашга доир ҳаракат режаси ишлаб чиқилди.

Бу режанинг муваффақиятли амалга оширилиши шу йилнинг ўзидаёқ Ўзбекистон учун Халқаро валюта жамағатиса Битимининг 8-моддасига тегишли барча стандартларни қабул қилиш им-

конини беради.

Мамлакатимизнинг ташқи савдо фаолиятида, экспорт ва импорт таркибида ижобий силжишлар рўй бермоқда. Ўтган ярим йил мобайнида ташқи савдо айланмаси қарийб 23 фоизга, шу жумладан, экспорт 41 фоизга ошди.

Айни пайтда, биринчи ярим йилликда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тайёр маҳсулот экспортининг ҳажми 1,6 марта ўсганини, унинг экспорт таркибидаги улуши 35 фоиздан 41 фоизга кўтарилганини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Ташқи савдода 530 миллион АҚШ доллари миқдоридан ижобий салдога эришилди. Мамлакатимизнинг тўлов баланси янада мустақамланди. Ўзбекистон ўзининг барча ташқи мажбуриятлари бўйича ҳисоб-китобларни ўз муддатига амалга оширмоқда.

Иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан ташқи савдо алоқалари кенгайиб, тобора мустақамланиб бормоқда. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари билан ўзаро муносабатларимиз ҳам тобора кучаймоқда.

Ўзоқ хорижий мамлакатларга маҳсулот экспорт қилиш ялпи экспорт ҳажмининг 77 фоизини, импорт эса 62 фоизни ташкил этмоқда. Бу — мамлакатимиз иқтисодиёти жон қорғасини тизимга интеграциялашиб, дунё бозорларидаги кескин рақобат шароитида ўз ўрнини эгаллаб, нуфузини мус-

купроқ хорижий инвестициялар ўзлаштириш, шундан 65 миллион тўғридан-тўғри инвестициялар бўлиб, уларнинг миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,9 баробарга ортди.

Жорий йилнинг ўтган даврида автомобиль ойналари ишлаб чиқарилган “Автоюна” акциядорлик жамияти, тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилган “Олотекс” қўшма корхонаси қувватлари ишга туширилди. “Шуртан” газ-конденсат қониди юқори босим берувчи компрессор станцияси қурилиши тугалланиб, ускуналарни синиш ишлари бошланди.

Шунингдек, кўмир саноати қонларини техник қайта жиҳозлаш борасидаги ишларнинг биринчи босқичи якунланди, “Сино” очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида совутичлар ишлаб чиқариш қайта йўлга қўйилди, Фарғонадаги “Азот” ишлаб чиқариш бириктирилган нитрат кислотаси ва аммиакли селитра ишлаб чиқарилган линия қурилишининг якуний босқичи тугалланмоқда.

Шу билан бирга, айрим уюшма ва компаниялар локализация, яъни маҳаллийлаштириш дастури доирасида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг белгиланган прогност кўрсаткичларидан ортада қолмоқда.

Бу кўрсаткичлар “Ўзгўшт-сутсанот” давлат уюшмасида 21,6 фоиз, “Ўзфармасаноат” давлат концернида 22,4 фоиз, “Ўзпахтасаноат” уюш-

мада дон сотиш бўйича белгиланган топшириқни бажарилди.

Анджон, Бухоро, Навоий, Фарғона, Хоразм ва Самарқанд вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, бугуннинг ўзида Тошкент ва Наманган меҳнат-қашлари ҳам ўз мажбуриятларини муваффақият билан адо этдилар. Қолган вилоятларнинг галлакорлари ҳам зиммага олган мажбуриятларини бажариш арафасида турибдилар.

Ҳозирги кунда пахтачилик билан бир қаторда галлачилик ҳам қишлоқ хўжалигининг етакчи соҳасига айланиб бораётгани, аynиқса, этиборга сазовор.

Ғалла етиштириш маданияти такомиллашиб бормоқда, республикамизнинг мураккаб иқлим шароитига мослашган янги, серҳосил будой навларини яратишга қаратилган селекция ишлари яхшиланмоқда, етиштирилётган доннинг сифати ва истеъмол хусусиятлари ҳам сезиларли даражада ошмоқда.

Энг муҳими — одамларнинг, биринчи навбатда деҳқонларнинг ерга, ўз меҳнатининг натижасига бўлган муносабати тубдан ўзгармоқда.

Бугун барчамиз қишлоқда ишлаб чиқариш ва мулкчилик муносабатларини ислоҳ қилиш, деҳқон меҳнатини рабатлантириш нақадар улкан самара беришини галлачилик соҳаси мисолида яққол кўришимиз мумкин.



таҳкамлаб бораётганидан яна бир далolatлар.

Ана шу сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналиши — бу ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, маҳаллий оммавий қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қўшма корхоналар ташкил этиш ҳисобига иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштиришдан иборат.

Ярим йил мобайнида иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажми 2,6 фоизга ўсди ва бу ялпи ички маҳсулотнинг учдан бирини ташкил этди. Жами инвестицияларнинг 60 фоиздан кўпроғи биринчи навбатда ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга йўналтирилган. Инвестициялар таркибида ҳам ижобий ўзгаришлар содир бўлди, марказлашмаган манбалар, яъни корхоналар маблағлари, тижорат банкларининг кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ҳиссаси 56 фоиздан 67 фоизга ўсди.

Ярим йилликда 200 миллион АҚШ долларидан

масида 23,9 фоиз, “Файз” холдинг компаниясида 40 фоиз, “Ўзбекенгилсанот” давлат акциядорлик компаниясида 40,3 фоиз, “Ўзкоммунхизмат” агентлигида 40,5 фоиз ва “Ўзқимсанот” давлат акциядорлик компаниясида 40,9 фоизга бажарилган, ҳоло. Айниқса, ярим йил давомида 33 та лойиҳа бўйича амалий ишларнинг бошлангани барчамизнинг қатъий ташвишига солиштириш керак.

Хурматли дўстлар! Биз ярим йиллик фаолиятимиз якунлари ҳақида сўз юритар эканмиз, миришкор ва филоий деҳқонларимиз, галлакорларимизни жорий йилда дон етиштириш ва давлатга сотиш бўйича қўлга киритган улкан галбаларни билан табрикланган бўлишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бу йилги ноқулай об-ҳаво шароитига қарамай, деҳқонларимизнинг фидокорона меҳнати билан шу кунга қадар 4 миллион 300 минг тоннадан зиёд галла ҳосили ўриб-йиғиб олинди. Сурхондарё вилояти галлакорлари мамлакатда биринчи бўлиб

Сўнгги беш йил ичида сўғориладиган ерларда галла ҳосилдорлиги икки мартадан зиёд ортди ва бугунга келиб ҳар гектар ҳисобига ўртача 43-45 центнерни ташкил этмоқда. Лекин бу ҳали чегара эмас. Қўлпаб хўжалиқлар гектарыда 75-80 центнердан ҳосил кўтаришмоқда.

Бу йил мамлакатимиз бўйича, насиб этса, жами 5 миллион тоннадан зиёд дон етиштирилади. Ўз моҳияти эътиборига қўра бу қадар улкан галбани бундан аттиги 5-6 йил аввал, яъни биз мамлакатимизда галла мустақиллигини таъминлашга қаратилган Миллий дастурни амалга оширишга қиришган пайтларимизда фақатгина оруз қилиш мумкин эди, ҳоло.

Қўёслаш учун шунинг таъкидлашимиз керакки, 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонимизда 940 минг тонна галла етиштирилган, ўртача ҳосилдорлик эса 17 центнерни ташкил қилган. Яъни, ўтган давр ичида галла ишлаб чиқариш 5,5 карра ўсган.

(Давоми 2-бетда.)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда жорий йилнинг биринчи ярмида барқарор иқтисодий ривожланиш давом этгани, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустақамлангани, тўлов интизоми ошгани, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳалари мутаносиблиги кучайгани ҳақида гапирди. Босқичма-босқич ва изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар натижаси ўларок, барча соҳаларда муайян ютуқларга эришилди.

Олти ой ичида мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 103,8 фоиз, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 105,5 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 103,8 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 104,0 фоиз ва пулли хизматлар ҳажми 104,4 фоиз ўсди.

Ушбу рақамлар иқтисодиётимиздаги ижобий ўзгаришларнинг ўзига хос кўзгуси сифатида юртимизда бозор муносабатларини шакллантириш жараёни жадал ва самарали давом этаётганини кўрсатиб турибди.

Бозор иқтисодиётининг ўзига хос муҳим жиҳатларидан ҳисобланувчи хусусийлаштириш, хусусий мулкчиликни шакллантиришнинг аҳамияти катта. Ҳисобот даврида 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштиришдан тушган жами маблағ 22,5 миллиард сўмни ташкил қилди.

Президентимиз хусусийлаштириш ва хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётдаги ролини ошириш бўйича қабул қилинган Фармон ва қарорлар талаблари тўла ва кўнгилдагидек ижро этилмаётганига алоҳида тўхтади.

Ўтган даврда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари бўйича, жумладан, қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир Фармонлар ва уларнинг ижросига қаратилган ҳукумат қарорлари, дастурлар, бошқа муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳаётга кенг жорий этишга йўналтирилган амалий ишлар давом этмоқда. Мажлисида ана шу ҳужжатлар ижроси бўйича мавжуд аҳвол танқидий нуқтан назардан теран таҳлил этилди.

Шунингдек, фермер хўжалиқларини ривожлантириш янги поғонага кўтариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун кенг қўламли сугурта хизматлари кўрсатиш тизимини жорий этиш, айниқса, қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Капитал қурилишида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш суи бораётгани оқибатида қурилиш ишларини вақтида бажариш ва объектларни фойдаланишга топшириш қониксарсиз аҳволда экани жиддий кўрсатиб ўтилди. Танлов савдолари ўтказишда қонун бузилишлари ҳамон давом этаётгани, қурилиш қийматининг ошириб борилиши ҳоллари мавжудлиги, лизинг ва лойиҳа-инжиниринг хизматлари кўрсатиш тизими талаб даражасида ривожланмаётгани, хусусий қурилиш ташкилотлари раванқига эътибор қаратилмаётгани қайд этилди.

Йиғилишда иқтисодий ва демократик янгилашлар йўлига гов-тўсиқ бўлаётган барча даражадаги бошқарув тизими нуқсонларини бартараф этиш зарурлиги таъкидланди. Маълумий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, шу жумладан, давлат статистика ва идоравий ҳисоботи тизимини қайта қуриб чиқиш ва бошқа долзарб вазифалар бўйича тегишли тавсиялар, кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан Бош вазир ўринбосари, иқтисодиёт вазири Р.Азимов, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири А.Жўраев, давлат мулкчини бошқариш ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси М.Аскарлов, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов, Сирдарё вилояти ҳокими Р.Ҳайдаров ва Хоразм вилояти ҳокими И.Бобононовнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(ЎЗА).


Абдувоҳид ТўРАЕВ олган суратлар.

ОСТОНАСИ ПОКИЗА ДИЁР

Ўғлонлари Алпомишкелбат, қизлари Барчинсифат бўлади



«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг Мустақиллигимизнинг 12 йиллигига бағишлаб «Куллуғ тўйинг муборак, юртим!» шiori билан ташкил этилган байрамолди тадбирларининг балдағиси Сурхондарёнинг Шўрчи туманида бўлиб ўтди.



Хар қайси инсон буюк куч соҳибидир. Фақат уни уйғота билиш керак.

Ислоҳ КАРИМОВ.

на чиндан ҳам шу гапнинг ростлигини кўрсатувчи кўзгуга айланди. Саҳна узра, бутун анжуман узра олтинсойлик 80 ёшар Кокил бобомиз (Ўкубов), шўрчилик 77 ёшар Менгқобил бобомиз (Исмоилов)нинг рақслари шаршара бўлиб оқди. Қўшиқлари кўнглиларга куйилди. Қумқўрғоннинг «Маҳдид» дастасидан 5 ёшли Маҳдид Омонтурдиева, шўрчилик Нигора Муродоваларнинг Ўзбекистон ҳақидаги қўшиқлари, бобо-момоларнинг, опа-оғаларининг санъатида ирмоқ бўлиб кўшиди. Бандихоннинг «Охува» номли дастасининг чиқиб ўзининг халқчилиги, бепеён дашт одамларига хос бўлган табиийлиги билан диққатни тортган



Қўлимизда ишлар унуб турсин, тилимизда қўшиқлар анграб турсин. Бизнинг дилимиз бир, тилимиз бир, йўлимиз бир одамларимиз. Ваганга бағрини бахшида этган элимиз. Ва шунинг учун ҳам қўшиқларимиз янграб. Ўзбекистонимиз зур, тилларимиз бийрон. Ана, биз айтмайлик, сиз эшитинг.

«От чоптирдим чаманга, Денов деган томонга. Денов тури боғ экан, Ўстлар кўнгли чоғ экан. Газетанинг сурўни бугун, Қалбдан ечилди тугун...» Навбат бахшиларга берилди. Думбира гулдирайди. Унинг изидан — овоз:

От чопса гўмбурлар тоғлар дараси

Минг йиллик жўла (йўла) Мустақиллик ораси. Эли учун эвадол улар фарзандларинг сараси...

Саҳнада Шоберди бахши, унинг шогирдлари Бахшиқул бахши, Исмоилов бахшилар... Уларнинг изидан «Далваран шахмати» турини гоҳиллари Абраҳамов Умида, Қаршибоев Алимардон, Имомова Сурайё, Давлатов Баҳром ва бошқа истиқлолнинг иштирокчилари кўнглиларини уюштирилди. Тантаналар кечгача давом этиди ва кеча қалар боғ одамлар билан гажум бўлиб турди.

Табриқ сўнгиде фольклор-этнографик ансамбль дасталари беллашди гоҳилларига, бахшиларга ва «Истиқлол» ун икки ёш — истиқлолга тенгдош» танлови иштирокчиларига газеталарнинг эсдалик совгалари топширилди.

Олимжон УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

лаб келётган, жонажон Ватан учун жонини аямаган мард-баҳодир ўғлонлар юрти. Гадила етиштиришда ўзига хос мактаб яратган, қатор йиллардан бери бугундай тайёрлаш бўйича пеш-

кадамликни қўлдан қўймай келётган, пахтачилик, бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида гоҳиллик марралари сари интилаётган, сўзи билан иши бир, тили, қўли тўғрилигидан дилларни ҳамиша мунаввар, кўнгли дастурхонидай очик одамлар юрти.

Мустақилликнинг ўтган ўн икки йил давомида Сурхондарё 12 асрада кўрмган рўшноликларга сазовор бўлди. Одамларнинг дилидаги қўллуғ ислохотларнинг аҳамияти ҳақида тўқинлашиб гапирди.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари бош муҳаррири ўринбосари Эсирпақ Болдиев бутун Сурхондарёнинг кўллуғ байрам арафаси билан муборакбод қилди.

Сурхондарё — мамлакатимизнинг жанубий дарвозаси. Покиза мамлакатнинг покиза остонаси. Худудларини кўз қорачиқидай асраб-авай-

хондарё хорих билан борди-келини йўлга қўйган, қўша корхоналар очган, Бойсун тоғларию дараларининг қоқ белдан темирйўли солаётган, фарзандларнинг камоли учун бор шароитларни яратиб бера олаётган воҳа.

Дунёда мен топган энг олий қадр, Фақат шу муқаддас Ваганга тандир.

Сурхондарёнинг булбули деб эътироф топган шoir Шайхон Раҳматуллоҳ ат-Термизийнинг анжуман бошида ўқиган бу шерию юқоридagi мушоҳадаларга қандай ғамоҳон.

«Хар бир инсон буюк куч соҳибидир». Тантан

бўлса, Саросиёнинг «Зевари», «Анор», Қизирқиннинг «Кунгурот», Узун туманининг «Охуво», Бойсуннинг «Бойсун» дасталари санъатдан томошабинлар қалби қувончларга тўлди.

Воҳанинг энг чекка тоғ қишлоғи Ушордан келганларнинг маҳорати алоҳида таҳсинга лойиқ. Ушорликлар дастасининг иштирокчиси Норбал Сидовнинг касби — ўқитувчи. У шoir, раққос, мусаввир, созаанда, қосиб, боғбон... Хуллас, қирқ хунар соҳиб.

— Биз тоғликларда қўшиқ айтмайдиغان, қўнглига саз ё қалам ушламайдиغان ва «Халқ сўзи» газетасини ўқийдиган одамнинг ўзи йўқ, — дейди қўлиб Норбал Сидов. — Бу анжуманга дастамази алоҳида тайёрларик кўрди. Ватанимизнинг Мустақиллиги билан боғлиқ ҳеч бир иш, ҳеч бир ташвиш бизга малол келмаслиги керак.

каби ноҳуш ҳодисалар ҳақида яна бошқа мисолларни ҳам келтиришимиз мумкин. Лекин ҳозир гап мисолларда эмас, автобуслар билан боғлиқ кўнглисизликларнинг олдини олишда. Хар бир автобус йўлга чиққан олдин набаҳти механиклар томонидан синчковлик билан кўздан кечирилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси томонидан юқоридagi каби кўнглисизликларнинг олдини

Б.Шодиев бошқарувида бўлган «Мерседес-Бенц» автобуси текшириш учун тўхтаганида ҳам ҳайдовчида йўналиш харитаси йўқлиги ва автобус мажбурий техник қўриқдан ўтмагани аниқланди. Худди шундай қамчиликлар ҳайдовчи И.Малоев бошқарган «Сетра» русумидаги ИИВ № 9385 рақам белгилан автобусда ҳам бор экан.

Шуни таъкидлаш лозимки, текширув вақтида тўхтаган автобусларнинг деярлик барчасида йўналиш харитаси йўқ.

порт воситаларини мажбурий техник қўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомия тасдиқлаш ҳақидаги фармойишини чиқарди. Унга биноян энди йўловчи ташувчи транспорт воситалари бир йилда икки марта техник қўриқдан ўтказилиши шарт қилинди. Шунингдек, хавфли юкларни ташувчи транспорт воситалари ҳам бир йилда икки марта техник қўриқдан ўтказилди.

Хазирги кунда Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари ўшбу фармойиш талабларини келиб чиққан ҳолда транспорт воситаларини техник қўриқдан ўтказишмоқда. Бу жараянда ҳам алоҳида эътибор йўловчи ташувчи транспорт воситаларига қаратилган. Ушунингдек, ҳайдовчиларнинг ўзлари ҳам бошқарувлардаги транспорт воситаларини со бўлиши ва шу орқали ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга мубноси улш қўшилди. Бу эса уларга шундай, деб мурожаат қиламиз: ҳурматли ҳайдовчи, унутманг, Сиз инсонлар ҳаётига масъулсан.

С. МАТҚОБУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ИХХБ Техника назорати бўлими бошлиғи милиция полковниги. М. РИХСИЕВ, журналист.

олиш мақсадида бир қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, автобуслар бўйича махсус рейдлар ўтказилмоқда. Шу йилнинг 4-5 июнь кунлари ўтказилган рейдлар давомида автобуслардаги қамчиликларга оид 15 дан ортиқ ҳолат аниқланди. Масалан, фуқаро И.Йўлдошев ўзининг «РАФ» русуми микроавтобусини рул бошқаруви ҳамда кўл тормозидagi носозликларига қарамадан бошқариб, йўловчи ташуви билан шугулланган. Ҳайдовчи С.Собиров эса ўзининг «ПАЗ» русуми давлат рақам белгиси ИА 1128 бўлган автобусини ноқонуний равишда, тегишли рўқсатларга эришмасдан йўналишга қайта жиҳозлаб, йўловчи ташуви билан шугулланган. Бундан ташқари, рейд давомида лицензия, йўналиш харитаси бўлмаган ҳолда йўловчи ташуви билан шугулланган ҳайдовчилар ҳам аниқланди. Масалан, М.Қурков бошқарувидаги «ПАЗ-672» русуми автобуси текширилганда, ҳайдовчида йўналиш харитаси йўқлиги, бунинг устига автобуснинг ўриндиқлари олиб ташилгани, юк орнинга мослашганлиги маълум бўлди. Худди шунингдек, ҳайдовчи



Авадимагма Бешик, аждоимга қадр, Шу азиз Ватандир, овоз Ватандир.



Долзарб мавзу

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб боргани сари, фуқароларимизнинг ҳам турли тадбиркорлик фаолиятлари билан шугулланушлари кўпаймоқда. Тадбиркорликнинг бир тури борки, ундан кўпчилигимиз кўнглик ҳаётимизда ўзимиз хоҳласак-хоҳламасак фойдаланишга мажбурмиз. Бу йўловчи ташуви, одамлар узогини яқин, оғирини енгли қилиш билан шугулланувчи тадбиркорлар фаолиятидир.

Йўловчи РАВОН Бўлсин!

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб боргани сари, фуқароларимизнинг ҳам турли тадбиркорлик фаолиятлари билан шугулланушлари кўпаймоқда. Тадбиркорликнинг бир тури борки, ундан кўпчилигимиз кўнглик ҳаётимизда ўзимиз хоҳласак-хоҳламасак фойдаланишга мажбурмиз. Бу йўловчи ташуви, одамлар узогини яқин, оғирини енгли қилиш билан шугулланувчи тадбиркорлар фаолиятидир.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатлари ривожланиб боргани сари, фуқароларимизнинг ҳам турли тадбиркорлик фаолиятлари билан шугулланушлари кўпаймоқда. Тадбиркорликнинг бир тури борки, ундан кўпчилигимиз кўнглик ҳаётимизда ўзимиз хоҳласак-хоҳламасак фойдаланишга мажбурмиз. Бу йўловчи ташуви, одамлар узогини яқин, оғирини енгли қилиш билан шугулланувчи тадбиркорлар фаолиятидир.

Мамлакатимизда рўй бериши эҳтимоли бўлган табиий, техноген ва экологик тусдаги фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш шў кўнглинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Шў мақсадда республикамизнинг тоғ ва тоғолди худудларида баҳорги-ёғи мавсумда гидрогеологик хавфни кузатиш мақсадида 87 та пост ташкил қилинди. Шунингдек, тоғларнинг юқори қисмида туланиб қолган қор захиралари миқдорини аниқлаш, ёриб ўтиш хавфи бўлган қўлларнинг ҳолатини ўрганиш учун 6 маротаба аэровизуал ўтказилди.

Бирок, ҳали бу борада счминни кутаётган ва амалга оширилиши лозим бўлган масалалар ҳам таялган. Яқинда Фавқулодда вазиятлар ва-

зирлигининг ҳайрат мажлисида ана шў масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Таъкидлаш жоизки, Республикада гидрометеорологик вазиятнинг мурракбрак бўлиши, ёгингарчиликнинг метёридан ошиши, хавфли геологик жараянларнинг фаоллашуви, шунингдек Марказий Осиё минтақасида янги вирус эпидемияси, яъни гайриоддий зотилжам касаллиги тарқалишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ўзининг ижобий натижасини берди. Жумладан, ўтган ярим йилликда республикамизда

қайд этилган фавқулодда вазиятлар сони ўтган йилнинг шў даврига нисбатан 4 фоизга, ҳаётқатлар сони 29 фоизга камаяган.

Шунингдек, йилгишда республикамиз худудларидан оқиб ўтадиган дарё, сой ва каналлар қирғоқларини мустақамлаш, уларнинг тўбини чуқурлаштириш ва тозалаш ишлари ҳам яна бир маротаба муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб олинди.

Азамат СУНОВ, ФВВ матбуот хизмати ходими.

Хавфли худудлар Назоратда

Мулкчилик шаклидан қатъи назар барча лойиҳачи ташкилотлар диққатига!

«Давархитектқурилиш» қўмитасига қарашли республика пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бошқармасининг ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ кўйидаги иншоотга лойиҳа-қидрув ишларини бажариш бўйича тендер эълон қилади:

Қашқадарё вилотиининг Қарши шаҳрида 600/350 ўринли академик лицей биноси. Лойиҳа ишларини бажариш мuddати — 2003 йил ноябрь ойи. Буортмачи — Қашқадарё вилоти академик лицейлар қурилиш дирекцияси. Манзили: Қарши шаҳри, Ўзбекистон қўчаси, 13-уй.

Лойиҳа ишларини молиялаштириш — давлат марказлаштирилган капитал маблағлари ҳисобидан олиб борилади. Лойиҳачи ташкилотлар зарурий профессионал ва техник малакага, молиявий имкониятларга, ишчи ресурсларига, шартнома (контракт) тузиш учун фуқаролик ва юридик ҳуқуққа эга ҳамда тажрибали ва ишончли бўлишлари талаб этилади.

Танловда иштирок этиш ва тендер ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси: **Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уйда жойлашган Капитал қурилиш пудрат савдолари (тендерлар)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Қашқадарё вилоти филиалига** мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 221-07-79.**

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. **Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 50000 сўм.** Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охириги мuddати — оферталар очилиш кунини ва соати.

Таклифлар (оферталар) эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин савдо ташкилотчиси — Капитал қурилиш пудрат савдолари (тендер)ни ташкил этиш бўйича республика бошқармасининг Қашқадарё вилоти филиали биносинда кўйидаги манзилда очилади: **Қарши шаҳри, Хонобод шоссеси, 5-уй.**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ

СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИ

Тошкент шаҳрида жиноят ишлари бўйича 5-таркибли Юнусобод туман, фуқаролик ишлари бўйича 7-таркибли Миробод туманлараро судларига ҳар бири учун 2 қаватдан иборат бўлган замонвий биноларни қисқа мuddатда қуриш учун қурилиш ташкилотлари ўртасида танлов савдоси (тендер) ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун бинолар қисқа мuddатда қуриб битирилиши назарда тутилганлигини инобатга олиб, сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар худудий бўлимига кўйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Усмон Юсупов к., 3-уй, 2-қават. Маълумот учун телефонлар: 41-16-37, 41-16-38, 144-54-08.



«USUB» ОАЖ акциядорлари диққатига!

2003 йил 15 августда «USUB» очик акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 19 апрелдаги 189-сонли ҳамда 2003 йил 28 июндаги 290-сонли қарорлари асосида

КУН ТАРТИБИГА ҚУЙИДАГИ МАСАЛАЛАР ҚУЙИЛАДИ:

1. **Жамият қузатув кенгаши, тафтиш комиссияси низомадорини тасдиқлаш.**
2. **Қузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш.**
3. **Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ва бошқа масалалар.**

Навбатдан ташқари умумий йиғилиш 2003 йил 15 август кунин «USUB» очик акциядорлик жамияти мажлислар залида соат 15.00 да бошланади. Акциядорлар ва вакилларни рўйхатга олиш эса соат 14.00да.

Манзил: 700055, Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Абзалов к., 7-уй. **Телефон: 144-80-07.**

«USUB» ОАЖнинг қузатув кенгаши.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университетини ректорати ва жомоаси университетнинг иқтисод ва тадбиркорлик ишлари бўйича проректор муовини Исхонқар Раҳимовга турмуш ўртоғи **Принца РАҲИМОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жомоаси журналисти **Тўлқин УКИБОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик иҳдор этади.

Қамолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жомоаси институти ижтимоий-иқтисодий филлар кафедраси ўқитувчиси Матлуба Абдусаломовага онаси **Маммура ва ЭРҒАШЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳдор қилади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жомоаси институти магистратура бўлимининг декани, доцент Абдуасатор Носировга волидан муҳтарамаси **МУКАМБАР** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этади.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жомоаси институти магистратура бўлимининг декани, доцент Абдуасатор Носировга волидан муҳтарамаси **МУКАМБАР** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия иҳдор этади.

Шеърхонлик

СЕВГИ АФСОНАСИ

Олис, мўъжаз қишлоқда
Яшар эди бир сулуво.
Шўҳлиги юракларда
Уйғотарди завоқ-гулу.

Мурғак кўнгли ошурфта
Шаршаранинг сасига;
Рақсага тушиб кетарди
Соҳини чилдирмасига.

Баҳор юган маҳаллар
Кўхна тоғнинг губорин,
Коксил мўъжизлари
Чўққилар кумуш қорин.

Кўйларди не-не қалбини
Ундаси шўҳлиқ-нолар...
Лекин бир кун қишлоққа
Кириб келди дорбозлар.

Шунда сулуво юраги
Туйди оташ илк бора;
Фалакларга жар солди
Авжга чиқиб ноғора.

Хар ёқдан эл йиғилди,
Юдузлар ёйди милат-милат.
Бунча шўҳқад ва энцил
Булутга ёйдиш йиғилди!

Термилар туриб ерда —
Сулуво унга ошқ-лал:
Бир сажовий шуурдан
Татради дили ахлоқ!

Юксакда ўқтам дорбоз
Янги ойдек турар нақ!
Гоҳ чапосат хиром этар,
Гоҳ тек қотар муаллақ!

Келтирмоқ қўйин бунинг
Тайригини сўз ила —
Дорбоз йиғитининг кўзи
Тўқнашди қиз кўзи-ла.

Ё раб! Бир лум туташди
Икки масъум дил охи.

Ва юраклар тубида
Учқун ёйди илоҳий.

Не-не суксур йиғитлар
Урса ҳам оҳлар бисёр,
Қиз кетди дорбоз билан,
Бўлиб унга сувоқ ёр.

Бу не қисмат, не агмо! —
Келтирди удузма шакл..
Лекин унинг қалбида
Туйғулар эди юксак!

Азлабдан кўнгли уфққа
Талпинган эди чоғи.
Кайтмади — йиғмаса ҳам
Юрасида қишлоғи.

Гуллар билан сирлашиб...



Тоҳиржон ХАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.

С U R U N G

Кеча уйда бир нарсаларни қоралаб ўтирдим. Ун яшар қизалоғим даҳлиздаги ойнага қараб, ўзича хиргойи қиларди.

— **Сочимдан кўп ошғим, сен бўлмасанг, бошқаси...**

«Ие, нима деяпти?» — дедиму, ўрнидан шартта туриб, ёнига бордим. — Ҳозир айтган қўшигингни такролагин, — дедим ўзимни қизиқайтган кўрсатиб. У сочларини тараб-тараб, хиргойисини янада берилиб қайтарди:

— **Сочимдан кўп ошғим, сен бўлмасанг, бошқаси...**

— Бу қанақа қўшиқ, қизим?

— Ҳозир ҳамма шуни айтаяпти. Бошидан айтаями? Мана:

Утмай-утмай назмаси,

қуйди қанча-қанчаси

Йиқилмаман пойинга,

сен бўлмасанг, бошқаси.

Қизим сўзлар маъносига монанд астойдил турли қилиқлар қиларди.

Мен бир лаҳза қотиб қолдим.

— Ёқдими, ажон?

— Сўзларига тушунмадим, нима дегани? — анграйганга солдим ўзимни.

— Тушунмадингизми? Олди-ку. Қулоқ солинг бўлмаса. — У тўсатдан қўлидаги елим тарақни

«Тарбия беролмаяпман, — ўйлайман ўзимча, — акс холда шўнақа қўшиқларга берилармиди?»

— Қизим, менга қара, иккинчи марта бу қўшиқни айтма.

— Нимага? — «микра-

Зарҳал идишдаги бемаза таом

микрафондай тутиб, гўё камера олдида сўзлаётгандай бир ойнага, бир менга қараб бидиллай кетди.

— Хонанда бу қўшиғида ёрига айтаяпти, қанча-қанчаларнинг... ану, нимадэй, ая? Нағмаси нима дегани эди?

— Қилиғи дегани...

— Ҳа, қилиғини кўрдим, ҳаммаси қуйиб кетди. Сен-гайм йиқилмайман, сен кетсанг, бошқаси топилади, деб қуйилапти. — У энди «микрафони»ни менга тутди:

— Саволлар борми?

Мен маънос тортаман.

фони»и тутиб кетди қизалоқнинг.

— Унинг сўзлари яхши эмас. Биласанми, ахлоқ-одобли, шарм-ҳаёли қизлар бунақа қўшиқларни сира айтмайди.

— Ҳамма жойда қўйиш-япти-ку? — Қўйишса, қўйишар. Сен уни эшитма. Менинг гапларимга қулоқ сол...

— Жон куйдириб бир нарсала дегандай бўлдим. Хонамга кириб, қорала-маларимни давом эттирмоқчи бўламан. Қалам рабимга юрмайди. Уйга

«СЎҒДИЁНА» — СЎЛИМ БОҒ

Бу сўлим гўшага қадам ташлаган кишининг дили яйрайди. Нафис бир нафосат, ажиб гўзалликдан лол қолади. Англаб бўлмас мўъжизага рўбару келади, гўё. Бола нигоҳида эса булар янада ҳайратланарли. Шу боис ҳам таътил кунларини мириқиб ўтказиб-ган болажонлар «Сўғдиёна» аталмиш янги боққа интилишадилар.

— Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманидан келдик, — деди ўзини Болиёр деб таниш-тирган киши. — Фарзандларим боғнинг таърифини эшитиб, ҳолу жонимга қўйишмади. Бугун оила аъзоларимиз билан етаклашиб келавердик. Ҳақиқатда томоша қилишга, мириқиб ҳордиқ чиқаришга арзийдиган жой экан. Болалар учун бир олам таассурот бўлди. Уларнинг қувончини кўриб, ўзим ҳам ўзимга сиймай бораёйман. Шундай гўзал маканни бунёд этганларнинг қўллари дард кўрмасин.

Ҳордиқ масканларида

Х а, кўна Самарқанднинг Темирйўл тумани ҳудудидagi бир пайтар 34 гектарлик бу майдон ташландиқ ҳолатда эди. Атрофдаги дов-дараклар урғалари кичик кўннинг қаровисилғи йиллар мобайнида ҳеч қилиш таъшиш-лангирмади. Фақат вилоят ҳокимлигининг саёй-ҳаракати билан шаҳарда ободонлаштириш ва кўкалам-зорлаштириш ишлари бошлангач, ана шу ташландиқ жойга ҳам эътибор қаратилди. Янги истироҳат боғи барпо этиш тўғрисидаги таклиф барчага маъқул тушди. Тез орада халқ ҳашари бошланди. Ириқ қорхоналар, ташкилотлар, мутахассислар, кичик ва ўрта бизнесчилар ҳусусий тадбиркорлар ҳам ҳашардан четда қолмади.

Утган йилнинг кузида мамлакатимиз Президентини вилотимизга ташрифи чоғида ушбу қурилиш билан яқиндан таниши, — деди истироҳат боғи раҳбари Незматжон Мамедов. — Боғнинг ҳар томонлама ораст, гўзал, энг муҳими, миллийлик рўҳида мос бўлиши ҳақида маслаҳатлар бериш. Шундан сўнг иш суръати янада жонланди. Бунёдкорлик ҳаракати вилоят ҳокимлигининг доимий назоратида бўлди.

Незматжон ака айтганидек, боғ қурилиши ниҳоятда жадал олиб борилди. Ҳашарда иштирок этганлар исқини иссиқ, совуқни совуқ дейишмади. Талабалардан тортиб, раҳбарларгача эзу ишдан четда қолмади.

Бугун эса ана шу меҳнатларнинг натижаси манаман, деб кўзга ташланди турибди. Боғнинг ҳар қадамидаги озодалик, ободончиликка ҳавас қилай илож йўқ. Янша турган гулзорлар дов-даракларга қараб кишининг баҳри-дили очилди.

Боғнинг ўртасига ўрнатилган қирқ метр баландликдаги минора оқшом чоғлари боғ тароватини янада очиб юборади. Унинг иккинчи қаватида болажонлар музаикой ёйиш билан бирга «юр-атроф» гўзаллигини томоша қилишди.

Замон талаблари даражасидаги сув ҳавзаси болажонлардан билан кечую кунузо гажум. Қарқилар, сув вольонселлари доимий равишда улар хизматини. Яна бир ёқда турли ўйинлар қурилармиди. Боғ ўртасига «оҳиста қўнлираган» самоётдан эса болажонлар ўзгача завоқ олиларди. Ҳаммасидан ҳам болаларга самолётга ўтириб, музаймоққўрлик қилиш билан мулфилым томошаси қизиқ.

Ўзбек ва жаҳон халқлари эртакиларининг машҳур қаҳрамонлари ҳайкалчааларидан еш қалбларнинг ҳайратта тушиши, альпинист каби чаққонлик билан «тоғ чўққиси»га интилган акалари, опалари ҳаракатидан завқланиши шўб-ҳасиз.

Ажойиб спорт мажмуаси ҳам болалар хизматини. Сал нарироқда эса ҳайвонот боғи. Болалар бу ерда шу пайтга қадар фақат телевизор экраниде кўрган ҳайвонларни ўз кўзлари билан кўради.

Хуллас, «Сўғдиёна» сўлим боғга айланди. У ердадан кеч-гача эмас, ярим тунгача гажум. Гажумлик абатта, ўз-ўзидан эмас. Сабабларини эса имкон қадар баён этишга уриндик.

Бахтсизлик

Қишлоқда ваҳимали гап тарқалди. — Бахтсизлик, — деди бирок, — Бригадирининг хотинини ит қопибди. — Эҳ бечора! — афсусланди ҳамма. — Ҳозир аҳволи қандай экан? — Яхши. — Қизик-ку! Яхши бўлса, қанақасига бахтсизлик бўлади? — Ахир, бундан ортқ нима бўлиши мумкин?! Қопгандан кейин бечора ит қутурибди!

Бахтиёр ЖУМА.

Маънавият



Эгизаклар шаҳарчаси

Амриқонинг Твинсбург (Огайо штати) шаҳрида ҳар йили эгизаклар фестивали бўлиб ўтади. Сўнгги фестивалда Амриқонинг барча штатларидан ва чет давлатлардан келган миңдан ортқ эгизаклар қатнашиди.

Аслида фестиваль бўлиб ўтадиган мазкур шаҳар номи ҳам сўзма-сўз таржима қилинганда «эгизаклар шаҳарчаси» деган номи аниқлашди. Бу ном шаҳарга 1817 йилда эгизак Уиджеслар илтимосига биноан берилган. Бир-бирига қараб ўхшаш бу эгизаклар эгизак қизларга уйланинган. Қизини шунақа, улар бир вақтинг ўзида ва бир хил касаллик туйғайли вафот этишган.

Мамлакат НОРМУРДОВА, «Халқ сўзи» муҳбири.



Аброр ОРИПОВ чизган расм.

Абдурауф САТТОРОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Шум юз

Эрининг яхши кайфиятда кириб келганини кўриб, аёл ҳайрон қолди.

— Дадаси, ишдан бунча очилди келдингиз, нима гап? — Ҳеч нима. — Елгон гапирман, муқофот пули олиндингизми? — Йўқ. — Юқори лавозимга кўтаришдингизми? — Йўқ. — Эрталаб ўнг қўл билан турган бўлсангиз, бирор ишингиз омадди бўлганми? — Йўқ. — Бўлмаса нима учун ишдан бунча субанга бўлиб қайдингиз? — Хордан илмасан бўладими? — Ҳа, Бугун шеффнинг шум юзини кўрмадим. Сабаби — шу!

Исбот қиломайсиз

— Ошпаз ака, мабодо шўрвага солган гўшт қуртланган эмасмиди? — Йў-ўқ. — Ахир, қилданган экан.

Митти хангомалар

Яна кўзимга фалати кўринди. — Майли, агар сиз айтгандай бўлса ҳам, энди исботлай олмайсиз.

— Нима учун? — Чунки шўрваннинг охири унигиз ичиндингиз.

Исбот қиломайсиз

Аёл руҳносу тобиғат шикоят қилди: — Эрининг аҳволи орди. Қон басими юқори, юрагининг басими йўқ, кечалари ухламайди, иштаҳалари йўқ.

Саҳифа учун Соид АНВАР маъсул.

ХОЛМАТ СЕРЛАҚАБ

Учта лақабли одамни эшитганимиз? Хўроз табиати, гулдаста қилиқчи Холмат тоға шўнақа лақабларга бой аломат одам. У кишининг ҳар бир гапига «Интересно»ни қўшиб гапирганидани «Холмат интересно» дейишса, яна бошқалар тоғанинг уруш пайти отлик аскар бўлганини кўзга тутиб «Холмат кавалерия» дейишди, жиндай отиб олганларидан кейин «Холмат чатоқ» бўладилар.

Учта лақабли одамни эшитганимиз? Хўроз табиати, гулдаста қилиқчи Холмат тоға шўнақа лақабларга бой аломат одам. У кишининг ҳар бир гапига «Интересно»ни қўшиб гапирганидани «Холмат интересно» дейишса, яна бошқалар тоғанинг уруш пайти отлик аскар бўлганини кўзга тутиб «Холмат кавалерия» дейишди, жиндай отиб олганларидан кейин «Холмат чатоқ» бўладилар.

Тоганинг илхима-хил лақаби кўпчи-

раво кўрмайсан, сан ярамас, пошис! — деб жаҳд билан дарвозадан чиқиб кетди.

Хром этикнинг гарч-гурчи тингунича кампир дарвозага тикилиб қолди, кейин бош силқиб:

— Ҳўкиз бўлиб бузоқ олатини қўймаганга ҳай-ҳай дардимни кимга атай, — деб кўзойнагини тўғирлаб яна кўрпа тикишга киришди.

Серлақаб тоға шу кетганича кеч хуфтонда кителини елқасига таш-

гурч босиб бориб, айвонга чиқиб, тоқчадаги гармошкани «ғийиқ» эткизиб қўлига олди, қайтиб келиб сури чеккасига ўтирганча, уни қулоқлаб гарқиллатиб тортиб сеvimли қўшиғини бошладилар.

Икканидан сабри чинадай чиққан Салдинпоша ая остонадан туриб:

— Ман сизга айтиб қўйай, манов унг томондаги қўшиғингиз Саидкул бош чикиб, «Эринга айтиб қўй, ичиб келиб бемаҳалда гармон гарқилла-

дана тўққа тўқаб; — Интересно, шу гапга мана шу Саидкул чирик айтилди! — деди хайрандан кўзлари қатта-қатта очилди.

— Айтдан-ла, айтмасча манга зарилмили шуни сизга етказиб.

Холмат тоға жаҳди билан гармошканини сури устидан таққа тўқаб; — Интересно, шу гапга мана шу Саидкул чирик айтилди! — деди хайрандан кўзлари қатта-қатта очилди.

— Ман сани чошиб ташлайман! — Зўр бўлсанг левордан туриб келкирадингизни чўзимсанг, пушча! — деб кучайди Холмат тоға, — Кимсан қомандуший Доваторнинг отлик аскарини билан олшимамен дейдим у пўстак!!

— Қўйлакин ечинг, отлик аскар, лаб-дала бўпти, энгизина, янги қўйлак эди-я, — деди ачиниб ая.

— Гап кўйлақдани, гап эркакининг шаринида! — деди у қўйлакни ечиб кампирга узатар экан унг қўзини қўйиб, мускулунини намойиш этди. — Бу қўзини ушлаган кўзларда ҳали кўч қўй-ў-ў! Ҳар қандай душманга атипу берди Холмат!

— Ҳа, беради, — деди кампир қўйлакнинг йиртигини кўздан кечирди, — Сизни бекорга Чатоқ дейишмайди...

— Нима дейишса дейишсин, аммо оркамдан тош отадиган сўтақларга ҳамини қавалерияча зарба бераман!

— Ҳеч ким орқангиздан тош отмаганди, сизни гармон гарқиллатишини кўрмикан, деб ўзимдан тўқиб айтсан «ов» этиб ечиндингиз кетдингиз! — Бу Саидкулнинг гапимас, ўзининг гапимиди?! — Мен қайдан билибман, э йўқ, деб йўқ, уни ҳақоратлаб, урушни бошлаб юборингизни? — Вот ярамас, правакатор, санга қўйиб бера бу кетишганда бутун маҳаллага ўт қўйиб, оловдича инешидан ҳам тоймайсан. Сани правакасизанг учган ман дурак юз ювмасдан юз қуришадиган, ўлсам тобутимни кўтарадиган қўшни ёқасидан бўғингача бораман-а! — деб тоға пешона-сига муштлаб йиғлаб юборди.

Меҳмон ИСЛОМҚУЛОВ.

Хажвия

Холмат серлақаб гармон тортишдан таққа тўқаб; — Интересно, шу гапга мана шу Саидкул чирик айтилди! — деди хайрандан кўзлари қатта-қатта очилди.

— Айтдан-ла, айтмасча манга зарилмили шуни сизга етказиб.

Холмат тоға жаҳди билан гармошканини сури устидан таққа тўқаб; — Интересно, шу гапга мана шу Саидкул чирик айтилди! — деди хайрандан кўзлари қатта-қатта очилди.

— Ман сани чошиб ташлайман! — Зўр бўлсанг левордан туриб келкирадингизни чўзимсанг, пушча! — деб кучайди Холмат тоға, — Кимсан қомандуший Доваторнинг отлик аскарини билан олшимамен дейдим у пўстак!!

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (маъсул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дуғай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир уринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Г. Прохорова, Ш. Ризоев, А. Саидов (маъсул котиб — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, О. Қаппбергенов (бош муҳаррир уринбосари — «Народное слово»), А. Ҳайдаров, Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рухбатдан ўтин тартиб № 00001
Бюроғини 1 — 608, 22900 нуқсадга боғлашди,
ҳажми — 2 тавон, объект ушунга боғлашди.
Қотоз бичими А-2
Газета ИВМ компьютерда тартидан ва операторлар
Жамши ТОВАЕВ ва Акбар БОТГАЕВ
томонидан саҳифаланди.
Тахрирнинг ҳажми 5 қондан энди
материаллар қабул қилинмайди.
П-Тилжорат материаллари

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилик кўчаси, 32-уй.
Набатчи котиб — А. Оринов.
Набатчи муҳаррир — Ҳ. Каримов.
Набатчи — Р. Ерлақабов.
Мусаҳҳах — М. Сулаймонова.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 02.30 1 2 3 4 5 6